

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.77.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**ПАЛВАНОВ ТАХИР МАРКСОВИЧ**

**АЙРИМ ХАВФЛИ ЎСМАЛАРНИНГ БИРЛАМЧИ ТИББИЁТ  
ТИЗИМИДАГИ ИККИЛАМЧИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ  
ТАШКИЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.14 - Онкология**

**14.00.33-Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)**

**Палванов Тахир Марксович**

Айрим хавфли ўсмаларнинг бирламчи тиббиёт тизимидаги иккиламчи профилактикасининг ташкилий хусусиятлари..... 3

**Палванов Тахир Марксович**

Организационные особенности вторичной профилактики некоторых злокачественных новообразований на уровне первичного звена здравоохранения..... 25

**Palvanov Tahir Marxovich**

Organizational features of the secondary prevention of some malignant neoplasms at the level of primary health care..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 53

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.  
04/30.12.2019.Тиб.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**ПАЛВАНОВ ТАХИР МАРКСОВИЧ**

**АЙРИМ ХАВФЛИ ЎСМАЛАРНИНГ БИРЛАМЧИ ТИББИЁТ  
ТИЗИМИДАГИ ИККИЛАМЧИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ  
ТАШКИЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.14 - Онкология**

**14.00.33-Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Tib.3227 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Ходжиев Данияр Шамуратович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Ибрагимов Азиз Юлдашевич**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Ибрагимов Шавкат Нарзикулович**  
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

**Рустамова Хамида Елемесовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Н.Н.Петров номидаги онкология илмий амалий маркази  
(Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz), Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин \_\_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да куни тарқатилди.

(2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Н. Тилляшайхов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Х. Ходжибеков**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ ((PhD) фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда онкологик касалликлар аҳоли орасида юқорида даражада тарқалганлиги ҳисобига ижтимоий аҳамиятга эга гуруҳга тааллуқли бўлиб, юқори ўлим ҳамда катта иқтисодий йўқотишларни ўз ичига олади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра «...10 миллион инсонлар бир йилда онкологик касалликлардан вафот этади, бу дуёндаги ўлим даражасининг 1/3 қисмини, ўнта кенг тарқалган саратонда 60% янги ҳолатлар ва 70% ўлим ҳолатини ташкил қилади. Олимларнинг баҳолашича 2040 йилда онкологик касалликларнинг янги ҳолатлари ҳар йили 47% ошиб, 28,4 млнга етади...»<sup>1</sup>. Касалликнинг бу гуруҳини замонавий ташхислаш ва даволаш усулларидан фойдаланиб, ўз вақтида аниқлаш бугунги кунда хал қилиниши зарур бўлган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Эрта ташхисот ва тиббий дори воситалар тарепиясини танлаш билан бир қаторда ўз вақтида онкологик ёрдам кўрсатиш учун ушбу патология хавфини башорат қилиш билан эрта аниқлаш ва унинг олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Хавфли ўсмаларда иқтисодий йўқотишга даволаш ва реабилитацион тадбирлар нархининг юқорилиги, давомийлиги, кўпинча қайтариб бўлмайдиган иш фаолиятини йўқотиш, ижтимоий таъминот ва суғурта учун катта харажатлар сабаб бўлади. Касалликнинг худудий хусусиятлари, шунингдек, онкологик ёрдам ривожланиш даражасини ҳисобга олувчи индивидуаллаштирилган тиббиётни эрта аниқлаш ва оптимал ташкил қилиш тамойилларига индивидуал, беморга йўналтирилган ёндашувларга нисбатан юқори прогностик аҳамиятга эга хавфли ўсмалар ривожланиши ва авж олишининг экзоген, эндоген предикторлари ассоциациясини текшириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда айрим хавфли ўсмаларнинг бирламчи тиббиёт тизимидаги иккиламчи профилактикасининг ташкилий хусусиятлари самарадорлигини оширишни такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада хавфли ўсмаларда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида иккиламчи профилактика ўтказиш сифатини яхшилаш, худудлар бўйича аёллар репродуктив тизими органлари ва ошқозон ичак тизими хавфли ўсмаларидан касалланиш ҳамда ўлим кўрсаткичлари таҳлили қилиш, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида хавфли ўсмаларнинг иккиламчи олдини олиш учун аҳолини гуруҳларга ажратиш, аҳоли орасида хавфли ўсмаларни иккиламчи профилактикаси бўйича соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида текширув дастури, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида аёлларнинг репродуктив тизими органлари ва ошқозон ичак тизими хавфли ўсмаларини эрта ташхислашда иккиламчи профилактика ўрнини ҳамда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида иккиламчи профилактикани ўтказиш йўли билан хавфли

<sup>1</sup>World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2019/en/statistics.htm>; 2019

Ўсмаларни ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, онкологик касалликларни, эрта ташхислаш ва самарали даволаш йўналтирилган чора-тадбирларни ўтказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, айрим хавфли ўсмаларнинг бирламчи тиббиёт тизимидаги иккиламчи профилактикасининг ташкилий хусусиятларини оширишни такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда йилидан йил сайин саратон касаллиги билан касалланиш даражаси кун сайин ортиб бормоқда ва саратон касаллигидан юзага келадиган ўлим даражаси юқорилича сақланиб қолмоқда. Ачинарлиси шундаки, янги ташхис қўйилган саратон касалликларининг аксарияти касалликнинг ривожланган босқичида ташхисланмоқда ва мураккаб даволанишни тартибини талаб қилади, бунинг натижасида улар кўпинча ногиронлик ва жамиятдан изоляцияга дуч келишмоқда [А.И.Агеенко, 2008, Н.А.Кошурникова, 2005, О.К.Кулакеев, 2008, А.Ф.Лазарев, 2006, А.Р.Туков, 2006, Р.Ш.Хасанов, 2004].Сўнгги

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

йилларда хавfli ўсма касалликлари аниқланган беморларга паллиатив ёрдам кўрсатиш ва касалликни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишга қаратилган тадқиқотлар кўплаб етакчи онкологик марказлар ва шифохоналарда амалга оширилмоқда. Олиб борилаётган тадқиқотларнинг асосий мақсади оптималлаштиришнинг энг инновацион йўллари аниқлаш, беморларга, жумладан, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш ҳисобланади. Аҳоли орасида ХЎни эрта ташхислаш, ХЎ ривожланишига сабаб бўлувчи хавф омилларини аниқлаш, онкологлар томонидан ўз вақтида рўйхатга олиш, касаллик аниқланган беморлар саломатлигини динамик кузатиш ҳамда бирламчи ва иккиламчи профилактика усулларини такомиллаштириш масалалари ўрганилмоқда [А.И.Агеенко, 2008, Н.А.Кошурникова, 2005, О.К.Кулакеев, 2008, А.Ф.Лазарев, 2006, А.Р.Туков, 2006, Р.Ш.Хасанов, 2004].

Ҳозирги вақтда республикада ҳам кўплаб давлатлар сингари онкологик касалликларга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича кенг қўламда тадқиқотлар олиб борилмоқда (Тиллашайхов М.Н., 2018; 2022, Наврузов С.Н., 2015, Гафур-Ахунوف М.А., 2016, 2020), бироқ, ҳозирги вақтда мамлакат худудларида айрим хавfli ўсмаларнинг бирламчи тиббиёт тизимидаги иккиламчи профилактикасининг ташкилий хусусиятлари очилмаган.

Онкопатология ривожланиши нохуш предикторларининг аниқланиши, ХЎларни эрта аниқлаш, бирламчи ва иккиламчи олдини олишининг тарқалганлиги, даволашга тегишли адабиётларнинг олиб борилган таҳлили замонавий тиббиётнинг энг устувор йўналишларидан бири эканлигидан дарак беради. Аҳолига онкологик ёрдам кўрсатиш, айрим хавfli ўсмалар, жумладан, ошқозон-ичак йўллари онкопатологиясининг иккиламчи профилактикасини оптималлаштириш ва аёллар репродуктив тизими тамойилларини илмий асослаш бўйича ишлар Республикада ҳали олиб борилмади. Юқорида санаб ўтилганларнинг барчаси соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилган ислохотлар, ташхисот, даволаш-профилактик, реабилитацияси соҳасига янги инновацион технологияларнинг жорий этилиши, шунингдек, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида аҳоли орасида ХЎни иккиламчи профилактикасини ташкил қилишни чуқур таҳлил қилиш зарурати кўрсатилган муаммони долзарб деб ҳисоблашга имкон беради.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Иккиламчи профилактика тизимида киритилган замонавий ёндашувларни жорий этиш йўли билан соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида хавfli ўсмаларни эрта ташхислашни такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

хавfli ўсмаларда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида иккиламчи профилактика ўтказиш сифатини яхшилаш учун Хоразм вилояти бўйича аёллар репродуктив тизими органлари ва ошқозон ичак тизими тизими хавfli ўсмаларидан касалланиш ҳамда ўлим кўрсаткичлари таҳлили қилиш;

соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида хавfli ўсмаларнинг иккиламчи олдини олиш учун аҳолини гуруҳларга ажратиш;

аҳоли орасида хавfli ўсмаларни иккиламчи профилактикаси бўйича соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида текширув дастурини ишлаб чиқиш;

соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида аёлларнинг репродуктив тизими органлари ва ошқозон ичак тизими хавfli ўсмаларини эрта ташхислашда иккиламчи профилактиканинг ўрнини баҳолаш;

соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида иккиламчи профилактикани ўтказиш йўли билан хавfli ўсмаларни ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган «Онкологик касалликлар диагностикаси ва даволашнинг замонавий усуллари» (2018-2022 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг объекти** Хоразм вилояти турли шаҳар ва туманлари аҳолиси ҳисобланиб, унда замонавий технологияларни қўллаш билан чуқурлаштирилган профилактик текширувлар 2012-2021 йиллар давомида кенг қамровли бир неча босқичлардан иборат бўлган тор йўналишдаги мутахассислар иштирокида чуқурлаштирилган профилактик кўрикларнинг натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** соғлиқни сақлаш тизими соҳасида онкологик хизматни регламентловчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар; ССВ расмий статистика маълумотлари, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг «Даволаш-профилактик муассасаларида хизмат кўрсатиш соҳасида яшовчи беморларда қайд этилган касалликлар сони тўғрисида»ги 12-Ф, хавfli ўсмалар ташхисланган беморларга ихтисослаштирилган бирламчи ёрдам кўрсатилган Хоразм вилоятидаги даволаш-профилактик муассасалар (ДПМ), оилавий поликлиникалар, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва бошқа ДПМни рўйхатга олиш ва уларнинг ҳисобот ҳужжатлари; соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини оилавий шифокорлари, беморлар ва аҳоли учун сўровномаларнинг материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун аналитик, ижтимоий, прогностик, клиник-инструментал, лаборатор-функционал ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйдагилардан иборат:

меъда саратонига ва репродуктив органларнинг саратон касалланишларининг келиб чиқишида, оилавий полипозлар, хеликобактериоз, юқори тана вазни кўрсаткичлари ва жисмоний фаолликнинг пасайиши апоптоз пролеферациясининг юқори фаоллиги ҳисобига етакчи хавф омиллар эканлиги асосланган;



ошқозон-ичак ва аёллар репродуктив тизими аъзолари ўсмаларида ўсмаларнинг паст даражадаги дифференциацияси ва ўсма жараёнининг ён турган қон айланиш тизими билан боғлиқ бўлган аъзоларга тарқалиши натижасида ўсманинг кенг тарқаладиган белгиларининг жадаллашуви ўрта ва юқори даража дифференциациясида намоён бўлиши асосланган;

йўғон ичак ва тўғри ичак саратони ривожланиши учун хавф гуруҳларини шакллантиришда ўсманинг морфологияси ва беморнинг ёшидан қатъи назар полипознинг барча турлари учун колоноскопик текширувлардан фойдаланиши исботланган.

меъда саратонига гумон ҳолларда эндоскопик текширувлар ва репродуктив органларнинг саратон касаллигига гумон қилинганда профилактик иммунизация ўзининг прецезионлиги ва иммунотанқислиги туфайли саратонни бирламчи ташхислашни яхшилаши исботланган.

Ўзбекистон шароитида илк бора ошқозон ичак ва репродуктив аъзолар ўсмаларини эрта ташхислаш мақсадида меъда яраси малигнизацияси, полипоз ва крауроз касаллигининг хавфли даврида биопсия қилиш ҳамда суяқ цитология йўли билан текшириш тартиби такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти** қуйидагилардан иборат:

аёллар репродуктив тизими ва ошқозон ичак йўллари хавфли ўсмаларнинг бирламчи, иккиламчи олдини олиш комплекс дастури ишлаб чиқилган;

хавфли ўсмалар касалликларни эрта ташхислаш ҳамда иккиламчи профилактикасини ўтказиш алгоритми ишлаб чиқилган;

оилавий шифокорлар, поликлиника онкологлари, шунингдек, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида хавфли ўсмаларни эрта ташхислашга қиёсий ёндашувда тор мутахассис онкологлар ўрни баҳоланган;

соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида тор йўналишдаги онкологлар иштирокида профилактик кўрувлар ҳисобига хавфли ўсмалар иккиламчи профилактикаси орқали аҳолининг тегишли контингентини самарали текширишнинг тўлиқлиги, сифати ва ҳолислиги даражасини олишга ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада пациентлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган аналитик, ижтимоий, прогностик, клиник-инструментал, лаборатор-функционал ва статистик тадқиқот усуллари асосида айрим хавфли ўсмаларнинг бирламчи тиббиёт тизимидаги иккиламчи профилактикасининг ташкилий хусусиятларини оширишнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, ҳулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади

**Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, олинган натижалар, ҳулосалар ва таклифлар соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида хавфли ўсмаларни иккиламчи профилактикасини амалга ошириш, ўлимни олдини олиш ва

асоратлари ва хавфини асослаш, касаллик туфайли йиллик ўлим кўрсаткичини камайтириш, аёллар репродуктив тизими органлари ва ошқозон ичак тизими хавфли ўсамаларидан беш йиллик яшовчанлик давомийлигини ошириш орқали эрта ташхислашни яхшилашнинг назрий асослари яратилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эрта босқичларда касаллик патологиясини аниқлаш, аёллар репродуктив тизими органлари ва ошқозон ичак тизими хавфли ўсмаларини иккиламчи профилактикасини амалга оширишга қаратилган ташкилий тадбирлар алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** меъда саратонига ва репродуктив органларнинг саратон касалланишларининг келиб чиқишида, оилавий полипозлар, хеликобактериоз, юқори тана вазни кўрсаткичлари ва жисмоний фаолликнинг пасайиши апоптоз пролеферациясининг юқори фаоллиги ҳисобига етакчи хавф омиллар эканлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қорқолпоғистон филиали ташкилий услубий бўлимлари бўйича 2023 йилнинг 6 апрелдаги 20/1§2-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиали ташкилий услубий бўлимлари бўйича 2023 йилнинг 20 июндаги 54-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

**Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** таклиф этилган ташхислаш тартиби соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида тор йўналишдаги онкологлар иштирокида профилактик кўрувлар ўтказилганлиги ҳисобига меъда ва репродуктив органларнинг саратонни келиб чиқишида оилавий полипозлар, хеликобактериоз, юқори тана вазни кўрсаткичлари ва жисмоний фаолликнинг пасайиши апоптоз пролеферациясининг юқори фаоллиги ҳисобига етакчи хавф омиллини эрта ташхислаш ва башоратлаш сифати яхшилانган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйдагилардан иборат:** меъда ва репродуктив органларнинг саратон касаллигини ривожланишида оилавий полипоз, хеликобактериоз, юқори тана вазни ва жисмоний фаолликнинг пасайиши апоптоз пролеферациясининг юқори фаоллиги ҳисобига етакчи хавф омиллини хавфли ўсмалар иккиламчи профилактикасининг оптимал варинати танлаш мақсадида ишлаб чиқилган алгоритм натижасида хасталикни эрта ташхислаш ва пациентларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва умр кўриш давомийлиги узайтириш мақсадида (Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиалининг 2023 йилдаги прејскурантига биноан, овқат учун 21.600 сўм ва дори-дормонлар учун 57200 сўм, бир кунлик ўрни жой учун 130.000 сўм) жами бир кунлик сарф харажатлар бир нафар пациент учун 208800 сўм иқтисод қилиниш, бир курс даволаш учун 2088000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. Хулоса: меъда ва репродуктив органларнинг саратон касаллигини ривожланишида оилавий полипоз, хеликобактериоз, юқори тана вазни ва жисмоний фаолликнинг пасайиши апоптоз пролеферациясининг юқори фаоллиги ҳисобига етакчи хавф

омилини олдини олиш учуне бир кунлик сарф харажатлари учун 208800 сўм иқтисод қилиниб, 1 нафар пациент ҳисобига бюджет маблағларини бир кун 208800 сўмни, бир курс даволаш учун давлат бюджетидан 2088000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

ошқозон-ичак ва аёллар репродуктив тизими аъзолари ўсмаларида ўсмаларнинг паст даражадаги дифференциацияси ва ўсма жараёнининг ён турган қон айланиш тизими билан боғлиқ бўлган аъзоларга тарқалиши натижасида ўсманинг кенг тарқаладиган белгиларининг жадаллашуви ўрта ва юқори даража дифференциациясида намоён бўлиши асосланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қорақалпоғистон филиали ташкилий услубий бўлими ва диспансер назорат бўлимлари бўйича 2023 йилнинг 6 апрелдаги 20/1§2-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиали ташкилий услубий ва диспансер назорати бўлимлари бўйича 2023 йилнинг 20 июндаги 54-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** таклиф этилган ташхислаш соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида хавфли ўсмаларни эрта ташхислаш учун профилактик кўрувнинг ташкил қилиш–функционал дастури хасталиқни эрта ташхислаш орқали пациентларнинг умр кўриш давомийлигини ошириш сифати яхшилаган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйдагилардан иборат: ошқозон-ичак ва аёллар репродуктив тизими аъзолари ўсмаларида ўсмаларнинг паст даражадаги дифференциацияси ва ўсма жараёнининг ён турган қон айланиш тизими билан боғлиқ бўлган аъзоларга тарқалиши натижасида ўсманинг кенг тарқаладиган белгиларининг жадаллашуви ўрта ва юқори даража дифференциациясида намоён бўлиши асосланганлиги (Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиалининг 2023 йилдаги прејскурантига биноан, овқат учун 21.600 сўм ва дори-дормонлар учун 57200 сўм, бир кунлик ўрни жой учун 130.000 сўм) жами бир кунлик сарф харажатлари учун 208800 сўм иқтисод қилинади 1 нафар пациент ҳисобига бюджет маблағларини бир кун 208800 сўмни, бир курс даволаш учун давлат бюджетидан 2088000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. Хулоса: ошқозон-ичак ва аёллар репродуктив тизими аъзолари ўсмаларида ўсмаларнинг паст даражадаги дифференциацияси ва ўсма жараёнининг ён турган қон айланиш тизими билан боғлиқ бўлган аъзоларга тарқалиши натижасида ўсманинг кенг тарқаладиган белгиларининг жадаллашуви ўрта ва юқори даража дифференциациясини татбиқ этилиши натижасида бир кунлик сарф харажатлари 1 нафар пациент ҳисобига бюджет маблағларини бир кун 208800 сўмни, бир курс даволаш учун 2088000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

йўғон ичак ва тўғри ичак саратони ривожланиши учун хавф гуруҳларини шакллантиришда ўсманинг морфологияси ва беморнинг ёшидан қатъи назар полипознинг барча турлари учун колоноскопик текширувлардан

фойдаланиши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қорақалпоғистон филиали ташкилий услубий бўлими ва диспансер назорат бўлимлари бўйича 2023 йилнинг 6 апрелдаги 20/1§2-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиали ташкилий услубий ва диспансер назорати бўлимлари бўйича 2023 йилнинг 20 июндаги 54-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** таклиф этилган йўғон ичак ва тўғри ичак саратони ривожланиши учун хавф гуруҳларини шакллантиришда ўсманинг морфологияси ва беморнинг ёшидан қатъи назар полипознинг барча турлари учун колоноскопик текширувлардан фойдаланиш тартиби ишлаб чиқилган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйдагилардан иборат: йўғон ичак ва тўғри ичак саратони ривожланиши учун хавф гуруҳларини шакллантиришда ўсманинг морфологияси ва беморнинг ёшидан қатъи назар полипознинг барча турлари учун колоноскопик текширувлардан фойдаланиш тартиби (Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиалининг 2023 йилдаги прејскурантига биноан, овқат учун 21.600 сўм ва дори-дормонлар учун 57200 сўм, бир кунлик ўрни жой учун 130.000 сўм) жами бир кунлик сарф харажатлари 1 нафар пациент ҳисобига бюджет маблағларини бир кун 208800 сўмни, бир курс даволаш учун давлат бюджетидан 2088000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. Хулоса: йўғон ичак ва тўғри ичак саратони ривожланиши учун хавф гуруҳларини шакллантиришда ўсманинг морфологияси ва беморнинг ёшидан қатъи назар полипознинг барча турлари учун колоноскопик текшириш учун бир кунлик сарф харажатлари учун 208800 сўмни, бир курс даволаш учун 2088000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

меъда саратонига гумон ҳолларда эндоскопик текширувлар ва репродуктив органларнинг саратон касаллигига гумон қилинганида профилактик иммунизация ўзининг прецезионлиги ва иммунотанқислиги туфайли саратонни бирламчи ташхислашни яхшилаши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қорақалпоғистон филиали ташкилий услубий бўлими ва диспансер назорат бўлимлари бўйича 2023 йилнинг 6 апрелдаги 20/1§2-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиали ташкилий услубий ва диспансер назорати бўлимлари бўйича 2023 йилнинг 20 июндаги 54-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** таклиф этилган ташхислаш орқали меъда саратонига гумон ҳолларда эндоскопик текширувлар ва репродуктив органларнинг саратон касаллигига гумон қилинганида профилактик иммунизация ўзининг прецезионлиги ва иммунотанқислиги туфайли саратонни бирламчи ташхислашни яхшилаш натижасида даволаш сифатини яхшилаш тартиби тавсия этилган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий**

**самарадорлиги** куйдагилардан иборат: меъда саратонига гумон ҳолларда эндоскопик текширувлар ва репродуктив органларнинг саратон касаллигига гумон қилинганида профилактик иммунизация ўзининг прецезионлиги ва иммунотанқислиги туфайли саратонни бирламчи ташхислаш (Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиалининг 2023 йилдаги прејскурантига биноан, овқат учун 21.600 сўм ва дори-дормонлар учун 57200 сўм, бир кунлик ўрни жой учун 130.000 сўм) жами бир кунлик сарф харажатлар бир нафар пациент учун 208800 сўм иқтисод қилиниш, бир курс даволаш учун 2088000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** меъда саратонига гумон ҳолларда эндоскопик текширувлар ва репродуктив органларнинг саратон касаллигига гумон қилинганида профилактик иммунизация ўзининг прецезионлиги ва иммунотанқислиги олдини олиш учун бир кунлик сарф харажатлар 1 нафар пациент ҳисобига бюджет маблағларидан 208800 сўмни, бир курс даволаш учун эса 2088000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

Ўзбекистон шароитида илк бора ошқозон ичак ва репродуктив аъзолар ўсмаларини эрта ташхислаш мақсадида меъда яраси малигнизацияси, полипоз ва крауроз касаллигининг хавфли даврида биопсия қилиш ҳамда суюқ цитология йўли билан текшириш тартиби такомиллаштирилганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қорақалпоғистон филиали ташкилий услубий бўлими ва диспансер назорат бўлимлари бўйича 2023 йилнинг 6 апрелдаги 20/1§2-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиали ташкилий услубий ва диспансер назорати бўлимлари бўйича 2023 йилнинг 20 июндаги 54-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** мамлакатимизда илк бора меъда ичак касалликларнинг ўз вақтида ташхисланмаслиги оқибатида юзага келадиган меъда яраси малигнизацияси ва ичаклардаги полипозлар, шунингдек, аёлларда бачадон бўйни касалликлари крауроз касаллигининг хавфли даврида биопсия қилиш ҳамда суюқ цитология йўли билан текшириш тартибини жорий қилишнинг самарадорлиги натижалари орқали даволаш сифатини яхшилаш тартиби тавсия этилган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** куйдагилардан иборат: меъда ичак касалликларнинг ўз вақтида ташхисланмаслиги оқибатида юзага келадиган меъда яраси малигнизацияси ва ичаклардаги полипозлар, шунингдек, аёлларда бачадон бўйни касалликлари крауроз касаллигининг хавфли даврида биопсия қилиш ҳамда суюқ цитология йўли билан текшириш учун (Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиалининг 2023 йилдаги прејскурантига биноан, овқат учун 21600 сўм ва дори-дормонлар учун 57200 сўм, бир кунлик ўрни жой учун 130.000 сўм) жами бир кунлик сарф харажатлар бир нафар пациент учун 208800 сўмни, бир курс даволаш учун 2088000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** илк бора меъда ичак касалликларнинг ўз вақтида ташхисланмаслиги оқибатида юзага келадиган меъда яраси малигнизацияси

ва ичаклардаги полипоз, бачадон бўйни касалликлари крауроз касаллигининг хавфли даврида биопсия қилиш ҳамда суюқ цитология йўли билан текшириш тартибини танлашда бир кунлик сарф харажатлар 1 нафар пациент ҳисобига бюджет маблағларидан 208800 сўмни, бир курс даволаш учун эса 2088000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

Т.М.Палвановнинг айрим хавфли ўсмаларнинг бирламчи тиббиёт тизимидаги иккиламчи профилактикасининг ташкилий хусусиятлари мавзусидаги диссертацион тадқиқотида олинган юқоридаги 5 та илмий янгилик бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Тошкент тиббиёт академиясининг 2023 йилдаги 05 августдаги 01-4/255-сон хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган. Илмий янгиликларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида бир кунлик сарф харажатлари учун 208800 сўм иқтисод қилиниб, 1 нафар пациент ҳисобига бюджет маблағларини бир кунга 208800 сўмни, бир курс даволаш учун 2088000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Айрим хавфли ўсмаларнинг бирламчи тиббиёт тизимидаги иккиламчи профилактикасининг ташкилий хусусиятлари баҳолашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили берилган. Мақсадга мувофиқ, ХУ тарқалганлигининг эпидемиологик

тавсифи, статистикаси, ХЎ ривожланишида уларнинг тузилмаси, хавф омиллари, профилактик кўрувлар хилма хиллиги ва уларнинг натижалари, хавфли ўсмаларни эрта ташхислашда иккиламчи профилактика аҳамияти таҳлил қилинган. Аниқланишича, ушбу йўналишда, профилактик кўрувларни ташкил қилиш масаласи ва эрта босқичларда хавфли ўсмаларни аниқлаш учун олиб борилган илмий тадқиқотлар ҳали ҳам долзарблигича қолиб, онкологик вазиятларни бошқаришнинг янги ташкилий усуллари аниқлаш учун ҳар томонлама ўрганишни талаб қилади.

Диссертациянинг «**Айрим хавфли ўсмаларнинг бирламчи тиббиёт тизимидаги иккиламчи профилактикасининг ташкилий хусусиятлари баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материал ва усуллари ёритилган. Тадқиқот мақсади ва вазифаларига мувофиқликда 7 босқичдан ташкил топган дастур яратилди. Тадқиқотнинг биринчи босқичида касалланиш хусусиятлари, ХЎда ногиронлик ва ўлим, хавф омиллари, тадқиқот усуллари, ушбу патологияда даволаш ва статистик таҳлил, дунёнинг турли давлатларида онкологик ёрдам кўрсатиш, бирламчи ва иккиламчи профилактика хусусиятлари ўрганилди. Иккинчи босқичда аҳолининг энг юқори ва энг паст даражада касалланиши кузатилган туманларни аниқлаш, жумладан, ХЎ ва касалланиш динамикаси ҳамда тузилмасини аниқлаш, Хоразм вилояти аҳолисида ногиронлик ва ўлимни аниқлаш, Хоразм вилояти аҳолисида ХЎдан ногиронлик ва ўлим тўғрисидаги статистик маълумотлар ўрганилди. Бунинг учун «Даволаш-профилактик муассасаларида хизмат кўрсатиш соҳасида яшовчи беморларда қайд этилган касалликлар сони тўғрисида»ги Ф-12 бўйича расмий статистик маълумотлардан фойдаланилди. ССВ 2012-2021 йиллар учун статистик тўплами. Тадқиқотнинг навбатдаги босқичида иккиламчи профилактикани ташкил қилиш ҳолати ва 2012-2021 йилларда «Даволаш-профилактик муассасалар фаолияти тўғрисида» Хоразм вилояти ССВ ва ТТБнинг йиллик ҳисоботларидан фойдаланиб, Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва оилавий поликлиника базаларида мутахассислар иштирокида ҳамда замонавий ташхислаш жиҳозларни қўллаш билан соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини даражасида проспектив тадқиқот таҳлил қилинди. Тадқиқотнинг кейинги босқичида ХЎ профилактикаси масалалари тўғрисида шифокорларнинг аҳолига ахборот берганлик даражаси, жумладан, аёллар репродуктив тизими органлари ва ошқозон ичак йўлларида ХЎ эрта аниқлашда профилактик кўрувларнинг аҳамияти ўрганилди. Профилактик кўрувларда аниқланган ўсмадан олдинги касалликлар ва ХЎ кузатилган беморларга тиббий-ижтимоий тавсиф берилди, маиший ҳаётининг ретроспектив таҳлили асосида аёлларнинг репродуктив тизими ва ошқозон ичак йўлларида хавфли ўсмалар ривожланиш хавф омилларига интеграцияланган тарзда баҳо берилди.

Шундай қилиб, олиб борилган комплекс тадқиқот Хоразм вилоятида онкологик хизмат ҳолати тўғрисида ишончли натижалар олиш ва уни яхшилаш бўйича мос ташкилий тадбирларни талаб қилувчи бир қатор муаммоларни аниқлади.

Диссертациянинг «Хоразм вилояти онкологик хизматининг асосий кўрсаткичлари таҳлили» деб номланган учинчи бобида 2012 йилдан 2021 йилгача бўлган муддатда Хоразм вилоятининг барча туманларидан келиб тушган йиллик ҳисоботларни ўрганиш асосида Хўдан касалланиш ва ўлим даражаси ҳамда тузилмасининг таҳлили 1-жадвалда берилган.

#### 1-жадвал

#### Хоразм вилоятида хавfli ўсма касалликлари билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичларининг йиллар кесимидаги (2012-2021 йиллар кесимида 100 минг аҳоли сонига) натижалари

йиллар	Кўрсаткичлар	
	касалланиш	ўлим
2012	62,1±1,9	33,6±1,4
2013	64,3±1,9	37,7±1,5
2014	66±2,0	39,8±1,5
2015	66,5±2,0	31,9±1,3
2016	68,1±2,0	47,2±1,6
2017	70,2±2,0	52±1,7
2018	74,6±2,0	47,7±1,6
2019	69,1±2,0	48,4±1,6
2020	68,2±2,0	47,4±1,6
2021	70,2±2,0	45,8±1,6
Ўртача кўрсаткич	67,9±1,9	43,1±1,6

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, Хоразм вилояти бўйича статистик ҳисобот маълумотларига кўра, сўнгги ўн йилликда ушбу ҳудудда аҳоли сони 300000 га ортди. Барча аҳоли орасида 18 ёшгача бўлган болалар сони 2021 йили 34%, 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган аҳоли сони 59% ва 60 ёшдан катталар сони 7%га ортди. Хоразм вилояти аҳолиси орасида Хў билан касалланиш даражаси деярли ўртача республика кўрсаткичларига тенг бўлиб, турли йилларда учинчи –тўртинчи ўринларни эгаллади.

Хоразм вилоятида Хўдан касалланиш кўрсаткичи ўрганилган йилларда деярли 1,2 мартага ошди. Касаллик 2018 йили юқори кўрсаткичга чиққан бўлиб, 100000 аҳолига 74,6% ни ташкил қилди. Кейинги йиллардан 2020 йилгача бу кўрсаткичнинг нисбатан камайиши кузатилди, бироқ, 2021 йили Хў касаллигини қайд қилиш яна ортган. Ўлим кўрсаткичининг таҳлили бу кўрсаткич ўсишга мойил эканлигини аниқлади. 2020 йили касалликнинг паст қайд этилиши (68,2‰), COVID-19 бўйича лакдаун билан тушунтирилади. Таъкидлаш жоизки, Хўдан бу кўрсаткич 62,1 дан 74,6 % гача касалланиш кўрсаткичи ва 31,9 дан 52,0 % гача ўлим кўрсаткичи етарлича кенг кўламда ўзгариб туради.

Хоразм вилоятида Хўдан касалланиш даражаси ва ўлим кўрсаткичини башорат қилганимизда сўнгги йилларда Хўдан касалланиш ва ўлимнинг ошишини кутишни тахмин қиламиз, агар ушбу патологиянинг олдини олиш,



ташхислаш, эрта аниқлаш ва ўз вақтида тўлақонли даволаш бўйича расмий тадбирлар қабул қилинмаса, кўрсаткич 2030 йилга келиб, мос ҳолда 1,2 ва 1,4 мартага ошиши мумкин.

Қизиғи шундаки, умуман олганда аҳоли орасида ошқозон ичак тизими хавфли ўсмалари ва аёллар репродуктив тизими ХЎ сингари ҳар хил жойлашиши турлича динамикага эга.

Сут беши саратони динамикаси тўлқинсимон характерга эга бўлиб, турли йилларда унинг даражаси кескин ўзгариши аниқланади, бачадон бўйни саратони тадқиқот йилларида бир оз камайгани кузатилди.

Турлича жойлашган ошқозон ичак йўллари ХЎ динамикасининг таҳлилида ошқозон, йўғон ва тўғри ичак саратонининг ўсишга мойиллиги аниқланди (мос ҳолда 1,1; 1,5 ва 1,7 марта). Ўша йилларда қизилўнғач саратони турғунлашишга мойил бўлди.

ОИТ ва репродуктив тизим ХЎ динамикасида муайян мойиллик аниқланади, 2017-2018 йилларда саратоннинг деярли ҳар хил жойлашишида касалланишнинг кўтарилиш даври йиллар давомида кузатилади. Эҳтимол, бу бирламчи тиббий-санитар, ихтисослаштирилган, жумладан, аҳолига онкологик ёрдамни такомиллаштириш бўйича бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш билан боғлиқ.

Мазкур ҳужжатларда баён қилинган тадбирларни ўтказиш, профилактик кўрувни ўтказишда касалликнинг аниқланиши ошишига имкон беради. Хоразм вилоятида хавфли ўсма касалликлари нозологик шаклига боғлиқ равишда ўлим кўрсаткичларининг йиллар кесимидаги натижалари 2-жадвалда берилган.

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, репродуктив тизими ХЎдан ўлим кўрсаткичи ҳам сўнгги йилларга ўсишга мойиллик бўлди.

Репродуктив тизимда турлича жойлашган ХЎ орасида ўлим сут беши саратонига қараганда нисбатан юқори, бу ўрганилган йилларда бачадон бўйни саратонига қараганда 1,4 марта, тухумдонлар саратонидан 5 марта ва бачадон танаси саратонидан 7,2 марта кўп ташхисланди.

2012 йилидан ушбу локализация 2017 йилгача ўсишга мойил бўлиб, ўлим даражаси 100000 аёлга 7,8% ни ташкил қилди, 2012 йили 2,4 марта юқори бўлди ( $P \leq 0,05$ ). 2019 йилдан бошлаб сут беши саратонидан ўлим даражаси секин аста пастлагани аниқланди, эҳтимол, бу эрта босқичларда саратонни аниқлаш ва профилактик кўрув натижалари ҳисобланади.

Ушбу бобда яна 2012-2021 йиллар даврида Хоразм вилоятининг шаҳар ва туманлари аҳолиси орасида профилактик кўрикда ХЎ аниқланганлик динамикасининг статистик таҳлил натижалари берилган.

## 2-жадвал

**Хоразм вилоятида хавфли ўсма касалликлари нозологик шаклига боғлиқ равишда ўлим кўрсаткичларининг йиллар кесимидаги натижалари (2012-2021 йиллар кесимида 100 минг аҳоли сонига)**

Ўсманинг жойлашиши	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	ўртача
Сут беги саратони	3,2	3,4	4,7	3,8	5,2	7,8	7,8	5,1	5,3	5,2	5,1
Бачадон бўйни саратони	3,7	2,4	2,7	3,2	3,7	4,2	4,1	4,8	4,2	3	3,6
Бачадон танаси саратони	0,5	0,2	0,8	0,5	1,3	0,7	0,7	0,7	1	0,9	0,7
Тухумдонлар саратони	0,6	0,5	1	0,6	0,8	0,8	1,5	0,9	2,1	1,6	1,04
Ошқозон саратони	4,9	4,3	5,6	3,8	5,6	6,5	4,8	6,4	5,2	5,1	5,2
Қизилўнғач саратони	2	2,7	2,3	1,5	3,3	2,3	2,2	2,4	2	2,3	2,3
Ўғон ичак саратони	0,7	0,8	1,2	1,3	1,7	1,1	1,1	1	1,4	1	1,2
Тўғри ичак саратони	1,1	0,8	1,4	0,3	0,5	1,6	0,6	1,9	1,4	1,1	1,2

Ундан ташқари, профилактик кўрувда ва мурожаат қилиш бўйича айрим хавфли ўсмаларни эрта ташхисоти қиёсий таҳлил қилинди. Эрта босқичларда (I-II б) аниқланган хавфли ўсмалар сонининг ошиши аниқланди, агар мазкур сон 2012 йили 39,6% ни ташкил қилган бўлса, 2017 йили – 41,8 % га етган, 2018 йили – 49,8% ни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда – 51,4% дан иборат бўлган.

Диссертациянинг «**Аёллар репродуктив тизими органлари ва ошқозон ичак тизими хавфли ўсмаларини ҳар томонлама чуқурлаштирилган профилактик кўрувининг ретроспектив ва проспектив таҳлилининг ижтимоий қирралари**» деб номланган тўртинчи бобида Хоразм вилояти туманларида 25-65 ёшли аҳоли орасида иккиламчи профилактика ўтказиш учун 40755 нафар инсонлар сўровномага жавоб берди. Ҳар қайси туманда (шаҳарда) эркаклар учун алоҳида, аёллар учун алоҳида анкета-сўровнома тарқатилди.

Сўровномада сурункали касалликларнинг асосий симптомлари ва белгилари, яхши сифатли ўсмалар, визуал ва ички локализацияли хавфли ўсмаларнинг тез -тез учраб турадиган алоҳида нозологик шакллари акс эттирилган.

Тадқиқот асосан соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини (ҚВП,ҚОП ва МП) шифокорларини жалб қилиб ўтказилди. Барча маълумотлар статистик қайта ишланди ва ўсмадан олдинги касалликлар ёки хавфли ўсмаларга гумон қилинганлигига қараб гуруҳларга ажратилди.

Хоразм вилояти бўйича 40755 анкета саволномаси тарқатилган, улар шаҳар ва туманларга 3135 дондан тақсимланган. Олиб борилган тадқиқот натижаларида 3924 нафар пациентларда ўсма олди касалликлари, (9,6%) ва 94 (0,23%) нафар пациентларда турли органларда жойлашган хавфли ўсмалар аниқланди.

Туман ва шаҳарлар кесимида, шунингдек, аниқланган ўсма олди ва ўсма касалликлари жойлашиши бўйича Хоразм вилояти аҳолиси орасида ўтказилган кенг қамровли сўровноманинг берилган саволларининг жавобларини таҳлил натижалари 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### Хоразм вилояти танланган аҳоли орасида амалга оширилган сўровнома натижалари

№	Шаҳар ва туман	Пациентлар сони	Аниқланган саратон олди касалликлари		Аниқланган саратон	
			абс.	%	абс.	%
1	Урганч ш.	3135	370	11,8±0,5	13	0,42±0,1
2	Тупроққаъла	3135	291	9,3±0,5	2	0,08±0,05
3	Хива ш.	3135	351	11,2±0,6	10	0,33±0,1
4	Боғот	3135	300	9,6±0,5	5	0,17±0,07
5	Гурлан	3135	282	9,0±0,5	5	0,17±0,07
6	Қўшқўпир	3135	304	9,7±0,5	7	0,25±0,09
7	Ургенч	3135	291	9,3±0,5	7	0,25±0,09
8	Хазарасп	3135	341	10,9±0,6	8	0,33±0,1
9	Ханқа	3135	329	10,5±0,6	8	0,33±0,1
10	Хива	3135	282	9,0±0,5	5	0,17±0,07
11	Шовот	3135	266	8,5±0,5	7	0,25±0,09
12	Янгиариқ	3135	260	8,3±0,5	5	0,17±0,07
13	Янгибозор	3135	257	8,2±0,5	2	0,08±0,05
	жами	40755	3924	9,6±0,14	94	0,23±0,02

Олиб борилган анкета саволномасининг таҳлил натижалари кўрсатишича, хавфли ўсмаларнинг энг юқори кўрсаткичлари Ургенч шаҳрида (0,42%), Хива шаҳрида (0,33%), Хазорасп (0,33%), Хонқа (0,33%), Шовот (0,25%), Ургенч (0,25%), Қўшқўпир (0,25%) туманларида, энг кам беморлар сони Янгибозор (0,08%), Тупроққалин (0,08%) туманларида аниқланди. Қолган туманларда - 0,17% ни ташкил қилди.

Хавфли ўсма аниқланган 94 нафар беморнинг 20 (0,045%) нафарида сут беzi саратони, 15 (0,032%) нафарида -бачадон бўйни саратони, 12 (0,026%) нафарида – бачадон танаси саратони, 12 (0,026%) нафарида – ошқозон саратони, 7 (0,013%) нафарида эса тери саратони тасдиқланди.

Қолган кузатувларда 2 ҳолатда (0,006%) тухумдонлар, қизилўнгач, йўғон ичак, жигар, ўпка, оғиз бўшлиғи, буйрак, сийдик пуфағи, простата, юмшоқ тўқималар саркомаси, тери меланомаси, хавфли лимфома ва тухум ўсмаси сингари бошқа жойлардаги хавфли ўсмалар қайд этилди.

Сўнги йилларда РИОваРИАТМ Хоразм вилояти филиалида профилактик кўрувда хавфли ўсмаларни эрта аниқлашга катта эътибор қаратилмоқда. РИОваРИАТМ Хоразм вилояти филиали стационар бўлимида даволанган беморлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Агар 2012 йили филиалда 4090 нафар бемор даволанган бўлса, 2021 йилга келиб, уларнинг сони 6496 нафарга ошди. РИОваРИАТМ Хоразм вилояти филиалига жўнатилган беморлар орасида ўсмадан олдинги касалликлар, хавфли ўсмаларни эрта аниқлашда профилактик кўрувлар даражаси таҳлил қилинди.

2012 йилда РИОваРИАТМ Хоразм вилояти филиалида 4088 нафар бемор даволанди. Улардан меъданинг хавфли ўсмаси – 89 нафар нафар беморда, қизилўнгач саратони - 45 нафар беморда, йўғон ичак саратони – 20 нафар аёлда ва тўғри ичак саратони 19 нафар аёлда кузатилди.

